

Юнусова Холида Маннановна, Шерова Адиба Ботир кизи*,
Илхамова Наргиза Бахтияровна

МАҲАЛЛИЙ ФАРМАЦЕВТИКА БОЗОРИДА ЗАМБУРУҒГА ҚАРШИ ПРЕПАРАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Ташкент фармацевтика институти
e-mail: sherovaadiba93@gmail.com

Маҳаллий фармацевтика бозорида замбуруғга қарши препаратлар ўрганиб чиқиб таҳлил қилинди. Таҳлиллар натижасида замбуруғларга қарши дори воситаларининг ассортименти аниқланди. Ишлаб чиқарувчиларнинг замбуруғларга қарши дори воситалари ишлаб чиқаришдаги улуши ўрганилди ва ушбу сегментни Ўзбекистон фармацевтика саноатида ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий хусусиятлари аниқланди.

Калит сўзлар: фармацевтика, фармацевтика бозори, антифунгал дорилар, таҳлил.

Бугунги кунда замбуруғга қарши дори воситаларига бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.

Бунга сабаб тиббиёт амалиётида антибиотикларнинг кенг қўламда ишлатилиши, иммун тизимига таъсир кўрсатувчи препаратлар истеъмоли, экологиянинг бузилиши, катта ёшдаги инсонларда иммун етишмовчилиги касалликлари, қанд касаллиги ҳисобланади. Ер юзидаги 30% аҳоли бугунги кунда замбуруғ касаллиги билан оғриган бўлиб, ўз-ўзидан бу касалликка қарши доривор препаратлар ишлаб чиқариш лозимлигини кўрсатади [5, 6].

Замбуруғ касаллиги кенг тарқалган касалликлардан бўлиб, жуда хавфли ҳисобланади. Биринчидан, ушбу касалликларнинг айримлари аҳоли орасида юқумли инсондан-инсонга юқиши хавфи катта. Иккинчидан, унинг юқиши иммун танқислиги бўлган организмларда тез бўлади. Замбуруғ инфекцияси классификациясига мос равишда ташқи мақсадда ишлатиладиган ҳамда ичиш учун мўлжалланган препаратларга бўлинади. Замбуруғ инфекцияларини даволаш бутун дунёда бугунги кунда катта муаммо бўлиб, замонавий тиббиёт олдидаги ечимини топиши керак бўлган долзарб масала ҳисобланади [1, 3, 5].

Бугунги кунда маҳаллий фармацевтик бозорда замбуруғга қарши препаратлар жуда катта миқдорда мавжуд. Фармакологик таъсири бўйича улар: фунгицидли,

фунгистатик ҳамда замбуруғга қарши гуруҳларга бўлинади [5].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, замбуруғли касалликларни олдини олиш ва даволаш учун дори препаратлар технологиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг мақсади. Ушбу изланишнинг мақсади турли гуруҳга мансуб замбуруғга қарши препаратларнинг маҳаллий фармацевтика бозоридаги ҳолати, ассортименти, ишлаб чиқарувчилар ҳиссаси ва маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар улушини ўрганиш деб белгиланди.


Тажриба қисми

Тадқиқотларда Ўзбекистон Республикасида кайд этилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари Давлат Реестрининг 2019-2021 йй. маълумотлари, “Drug Audit” 2019-2021 йй. маълумотлар базаси ҳамда ахборот манбалари асосида замбуруғга қарши препаратлар таҳлил қилинди.

Тадқиқотларни биринчи босқичида маҳаллий фармацевтика бозоридаги ишлаб чиқарувчиларнинг замбуруғга қарши препаратларни ишлаб чиқариш бўйича улушини ўрганиш билан бошланди [2, 4, 6, 7].

1-расмда 2019-2021 йилларда замбуруғга қарши препаратларнинг маҳаллий бозордаги ишлаб чиқарувчилари ассортимент сони бўйича таҳлилини қиёсий ўрганиш натижалари келтирилди.

УДК 615.453.3




1-расм. 2019-2021 йилларда маҳаллий фармацевтика бозоридаги замбуруғга қарши препаратлар ассортиментининг ишлаб чиқарувчилари сони бўйича қиёсий таҳлили ва ўрганиш натижалари

1-расмдан кўриниб турибдики, маҳаллий фармацевтика бозоридаги замбуруғга қарши препаратлар ассортиментининг ишлаб чиқарувчилари сони бўйича қиёсий таҳлили бу препаратларнинг асосан хориждан кириб келаётганини (59%), иккинчи ўринда МДХ давлатлари (33%) ҳамда атиги 8% ассортимент тури маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тўғри келаяпти. Шунингдек, тадқиқотлар натижасига кўра йилдан йилга хорижий ва МДХ

давлатларидан кириб келаётган ушбу фармакологик гуруҳга тегишли препаратлар миқдори ассортимент бўйича доимий эмаслиги аниқланди.

Тадқиқотлар маҳаллий фармацевтика бозоридаги ўрганилаётган гуруҳга тегишли препаратларнинг умумий ассортиментини ўрганишга қаратилди.

Олинган натижалар 2-расмда келтирилди.



2-расм. 2019-2021 йилларда маҳаллий фармацевтика бозоридаги замбуруғга қарши препаратлар ассортиментини ўрганиш натижалари

2-расмдан кўриниб турибдики, дори турлари бўйича таҳлилда таблетка ва суртма дори турлари лидерликни сақлаяпти. Кейинги


ўринда капсулалар ва кремлар турибди. Уч йил давомида бу кўрсаткичлар деярли бир хил аммо баъзи дори турларида, масалан, кейинги

УДК 615.453.3

йилларда гель дори туриб, 23% дан 14,27% гача кўпайган. Инфузион эритмалар (12,65% дан 9,46% гача) ва спрей дори турлари (14,26% дан 11,64% гача) эса пасайган. Ўрганилаётган

фармакологик гуруҳга тегишли ассортимент таҳлилни ишлаб чиқарувчи давлатларда қиёсий ўрганиш билан тадқиқотлар давом эттирилди.

3-расмда олинган натижалар келтирилди.



3-расм. 2019-2021 йилларда маҳаллий фармацевтика бозоридаги замбуруғга қарши препаратлар ассортиментини давлатлар улушида ўрганиш натижалари

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналарда капсула дори тури кўп (38,7%) ишлаб чиқарилади. Аммо таблеткалар мисолида бундай деб бўлмайди (11,20%). Хорижий ҳамда МДХ давлатларида таблетка дори турини ишлаб чиқариш лидерлиги (25,25% ва 20,43% мос равишда) кузатилади. Таблеткаларнинг истеъмолга қулайлиги ва бошқа афзалликларини эътиборга олган ҳолда бу дори турини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш кераклиги кўриниб турибди.

Кейинги тадқиқотларда ушбу гуруҳга мансуб препаратларнинг таъсир этувчи моддаси асосида таҳлил ўтказдик. Таъсир этувчи моддаси бўйича барча ассортимент ўрганилганда флуконазол асосидаги дори препаратлари биринчи ўринда эканлиги ва

38,05 фоизни ташкил этгани кузатилади. Ушбу кўрсаткич хориждан келтирилган ва қайд қилинган ушбу гуруҳга тегишли дори препаратлари ичида 35,12% ҳамда МДХ давлатларидан келтирилган препаратларда эса 31,28% ни ташкил этгани кузатилади. Маҳаллий ишлаб чиқарувчи фармацевтик корхоналар улуши бу кўрсаткичда 41,58% эканлиги кузатилади. Бу эса ўз навбатида бутун дунёда флуконазол асосидаги препаратларнинг кўп ишлатилишини англатади. Кейинги ўринларда тербинафин гидрохлорид ва клотримазол асосидаги препаратлар туради.

Флуконазол асосидаги комбинирланган препаратларни ўрганиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди: жами маҳаллий фармацевтика бозорида флуконазол асосидаги препаратлар 4,21%, жумладан, хориждан кириб келгани 2,46% ва МДХ давлатларидан кириб

УДК 615.453.3

келгани 1,25% ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилгани 0,5% ни ташкил этади. Бу эса ўз навбатида флуконазол асосидаги комбинирланган препаратлар миқдорини ошириш кераклигидан далолат беради.

Флуконазол субстанциясининг ўзига хослиги, яъни полиморф модификацияга эгалиги, у асосида олинган препаратларнинг технологик жараёнига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шунингдек, флуконазолнинг турли модификацияси тайёр маҳсулотнинг турғунлигига ҳам таъсир кўрсатади. Шуларни эътиборга олган ҳолда таркиб ва технологик ўзгариши мумкинлиги бу субстанция асосида олинаётган янги препаратлар яратишда эътиборга олиниши лозим бўлади. Флуконазол асосидаги маҳаллий бозордаги дори препаратлари ўрганилганда уларнинг субстанциялари асосан икки ёки ундан ортиқ фирмадан олиниши маълум бўлди. Бу эса бу препаратларнинг биофармацевтик хоссаларига, сақланиши шароити ва муддатига таъсир этади,

шу сабабли ҳар сафар технологик жараёни қайта кўриб чиқишни тақозо этади.

Турли кандидозларни даволашда қўлланиладиган флуконазол асосидаги препаратлар дори турлари бўйича суюқ, юмшоқ ҳамда қаттиқ дори турларига бўлинади. Қаттиқ дори турларини таҳлили натижасида флуконазол асосида асосан капсула (55,37%) шаклида ва таблетка дори турида (24,76%) учраши кузатилди. Барча Ўзбекистонда қайд этилган флуконазол дори турлари ичида суюқ дори турларидан инфузион эритмалар (11,10%) ўрин олгани аниқланди. Шунингдек, юмшоқ дори турлари таҳлилида уларнинг улуши 1% га яқин (гель) кўрсаткични намоён қилди.

Хулоса. Кузатув таҳлилларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, замбуруғга қарши препаратларнинг таҳлили бу субстанция асосидаги ишлатишга қулай, юқори самарали, турғун ва арзон препаратлар, шунингдек комбинирланган препаратлар яратиш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лозимлиги кўрсатди.

Адабиётлар:

1. Климко Н. Н. Микозы: диагностика и лечение: Руководство для врачей.- М.: Премьер МТ, 2007. - С. 336.
2. Равшанова С.Э., Юнусова Х.М. К вопросу разработки технологии капсул «Аналфенон» // Фармация, научно-практический журнал. Специальный выпуск.-Санкт-Петербург.-2020.- С.587-590.
3. Юнусова.Х.М., Абдижалилова З.Х., Илхамова Н.Б. Маҳаллий фармацевтик бозорда йўталга қарши дори препаратларининг ишлаб чиқарувчиларни таҳлили // Фармацевтика журнали.- Тошкент-2020.-№ 3.-Б.8-11.
4. Ravshanova S.E., YunusovaKh.M. Studies of acute toxicity of the drug "Analfenon" for use in tablet form // International Journal of All Research Writings (IJARW).-India.-2020.-Vol. 1.-Issue 10.-P.26-29.
5. Белоусова, О. В. Маркетинговое исследование ассортимента лекарственных средств, применяемых для лечения грибковых заболеваний / О. В. Белоусова, Е. А. Белоусов, С. Ю. Петренко. - Текст : непосредственный // Молодой ученый. - 2016. - № 16 (120). -С.424-427.
6. Файзуллина Е.В. О распространенности и факторах риска некоторых грибковых заболеваний / Е.В. Файзуллина // Здоровоохранение Рос. Федерации. 2012. - № 5. - С.16-18.
7. Жалолиддинова М.Ш., Юнусова Х.М.Конъюнктуры фармацевтического рынка препаратов на основе диклофенака натрия//Научно-практическая конференция с международным участием «Создание конкурентоспособных лекарственных средств – приоритетное направление развития фармацевтической науки».-Пермь.-2018.-С.197-198.

Юнусова Холида Маннановна, Шерова Адипа Ботир қизи*,
Илхамова Наргиза Бахтияровна

АНАЛИЗ ПРОТИВОГРИБКОВЫХ ПРЕПАРАТОВ НА МЕСТНОМ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОМ РЫНКЕ

Ташкентский фармацевтический институт
e-mail: sherovaadiba93@gmail.com

Изучен и проведен анализ препаратов противогрибкового действия на отечественном фармацевтическом рынке. В результате проведенного анализа выявлен ассортимент противогрибковых препаратов, определены показатели ассортимента, а также изучена доля производителей по выпуску противогрибковых препаратов и выявлены основные особенности развития этого сегмента, фармацевтической промышленности Узбекистана.

Ключевые слова: фармацевтические препараты, фармацевтический рынок, противогрибковые препараты, анализ.

Yunusova Kholida Mannanovna, Sherova Adiba Botir qizi*, Ilkhamova Nargiza Bakhtiyarovna,

ANALYSIS OF ANTIFUNGAL DRUGS IN THE LOCAL PHARMACEUTICAL MARKET

Tashkent pharmaceutical institute
e-mail: sherovaadiba93@gmail.com

Studied and analyzed antifungal drugs in the domestic pharmaceutical market. As a result of the analysis, an assortment of antifungal drugs was identified, range indicators were determined, and the share of manufacturers in the production of antifungal drugs was studied and the main features of the development of this segment, the pharmaceutical industry of Uzbekistan, were identified.

Key words: pharmaceuticals, pharmaceutical market, antifungal drugs, analysis.